УССР Давлат кутубхонаси
Ин.
Ташланма ... УССР 3 1 1 2 9 3

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1993 йил, 13 июль, сешанба № 103 (236) ● Нархи 8 сўм.

Газета 1992 йилнинг июнь ойидан чиқа бошлаган

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 13 июля 1993 г. № 103 (236) ● Цена 8 руб.

Газета издается с июня 1992 г.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг кичик командирлар ва даражадор мутахассисларга *МУРОЖААТИ*

Қадрли ўртоқлар.

Ҳозирги кунда жамиятимизда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий шароитда Ватанимиз қуролли ҳимоячиларининг тутган ўрни, улар руҳий ҳамда маънавий-психологик кайфиятининг аҳамияти мислсиз даражада ўсиб бормоқда. Шахсий таркибда Ўзбекистон Республикаси, ўз халқи, ҳарбий Қасамёди ва аскарлик бурчига садоқат ҳислатларини шакллантиришда, шунингдек, ўз Ватанининг тарихи ҳамда анъаналарига чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотишда кичик командирлар ва тажрибадор мутахассисларнинг хизмати беқиёсдир.

Сержантларнинг энг муҳим вазифаларидан бири — аскарларни ҳарбий маҳоратга, қурол ва жанговар техникадан моҳирона фойдаланишга ўргатишдир. Бу вазифаларни бажариш учун сержантлар юксак ҳарбий ва махсус билимларга, аъло даражадаги услубий тайёргарликка эга бўлишлари, қўл остидагиларга ҳарбий таълимда ва хизматда намуна кўрсатишлари, нуқсонсиз маънавий ҳусусиятларга эга бўлишлари керак. Кичик командирларнинг низом асосидаги доимий ва қатъий талабчанлиги ўз қўл остидагиларга ёрдам бериш, ғамхўрлик қилиш билан ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистон армияси шакланаётган ва оёққа тураётган ҳозирги мураккаб шароитда турли тоифадаги қўшинларнинг юқори даражали мутахассислари, олдинги чақириқ аскарлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Ҳарбий ишнинг моҳир устаси, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилари, даражадор мутахассислар қисм ва бўлинмалар энг яхши жанговар анъаналарининг сақловчилари ва давом эттирувчиларидир. Бой тажрибага эга бўлган, ғалаба қўсвичи ва машққатларини тотиб кўрган аскарлар жанговар жамоаларда офицер ва прапорщикларнинг ишончли таянчлари бўлмоғи, ўз гуруҳлари, экипаж ҳамда бўлинмаларида жанговар маҳоратнинг тинимсиз ошиб бориши йўлида бор имкониятларини ишга солишлари керак.

Сержантлар ва даражадор мутахассислар! Сизнинг бўлинмангизга ҳали кўп нарсани билиб ўрганмаган, ҳарбий хизматнинг аниқ маромига кўникмаган ёш йигитлар келиб қўшилди. Уларнинг ҳарбий қонун-қоидаларни, қурол ва жанговар техникани тезроқ ўзлаштириб олишларига ёрдам беринг. Ҳар биримиз биттадан ёш аскарга устозлик ва мураббийлик қилинг, унга ўзингиздан кам бўлмаган даражада ҳарбий маҳоратга ўргатинг, интизомсиз ҳарбий хизматчилар томонидан йўл қўйиладиган кўрсқўполлик ва дағалликлардан асранг, катта ака ва дўст эканлигингизни амалда исботланг.

Биз ҳаммамиз — генералар, офицерлар, прапорщиклар, сержантлар ва оддий аскарлар бир оиланинг, — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг аъзоларимиз. Ватан бизга ўз ҳимоясини топширган экан, биз ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан бу юксак ишончни оқлашимиз керак!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Р. АҲМЕДОВ.

ОБРАЩЕНИЕ Министра обороны Республики Узбекистан к младшим командирам и классным специалистам Вооруженных Сил

Дорогие товарищи!

В современных экономических и политических условиях, сложившихся в обществе, неизмеримо возрастают роль и значение вооруженных защитников Родины, их духовный и морально-психологический настрой. Важная роль в формировании у личного состава верности Республике Узбекистан, своему народу, Военной присяге и воинскому долгу, а также глубокого уважения к истории и традициям своего Отечества принадлежит младшим командирам и классным специалистам.

Важнейшей обязанностью сержантов является обучение солдат воинскому мастерству, умелому владению оружием и боевой техникой. Чтобы выполнить эту задачу, сержанты должны иметь высокие военные и специальные знания, отличную методическую подготовку, быть примером для подчиненных в учебе и службе, обладать безупречными моральными качествами. Постоянная и твердая уставная требовательность младших командиров должна сочетаться с заботой о подчиненных, внимательным отношением к их запросам и нуждам.

Особая роль в нынешний сложный период реформирования и становления армии независимого Узбекистана принадлежит высококлассным специалистам различных родов войск, воинам старших периодов службы. Мастера военного дела, отличники боевой и общественно-политической подготовки, классные специалисты являются носителями воинского мастерства, хранителями и продолжателями лучших боевых традиций частей и подразделений. Имея опыт службы, познав на себе её тяготы и радость побед, эти солдаты должны стать надежной опорой офицеров и прапорщиков в воинских коллективах, прилагать все силы для повышения качества боевой выучки своего расчета, экипажа, отделения.

Я обращаюсь к сержантам и классным специалистам: в ваши подразделения пришло новое пополнение, которое еще многого не умеет, не привыкло к четкому ритму армейской службы. Помогите им быстрее встать в строй, освоить оружие и боевую технику. Пусть каждый из вас станет учителем и наставником одного новобранца, подготовит его в военном отношении не хуже своего уровня, оградит от грубости со стороны недисциплинированных военнослужащих, станет на деле старшим братом и другом!

Все мы — генералы, офицеры, прапорщики, сержанты и солдаты — члены одной семьи: Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Родина поручила нам свою защиту, и мы, несмотря ни на какие трудности, должны оправдать это высокое доверие!

МИНИСТР ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Р. АХМЕДОВ.

Настоящее Обращение Министра обороны Республики Узбекистан вызвано необходимостью существенно повысить роль младших командиров и классных специалистов в обучении и воспитании солдат, укреплении морально-нравственной атмосферы в воинских коллективах.

В этих целях управление по работе с личным составом рекомендует командирам, их заместителям по работе с личным составом, всем офицерам и прапорщикам довести содержание и смысл данного Обращения до сознания каждого военнослужащего. Формы и методы работы могут быть самыми разнообразными — обсуждение на общем собрании, занятие по общественно-политической подготовке, оперативное информирование, стенная печать, местное радиовещание и другие. Главное, чтобы военнослужащие старших периодов сердцем своим прочувствовали ту ответственность, которая возложена на них в становлении нового пополнения.

Надеемся, что умелое использование мобилизующего потенциала Обращения поможет решить многие проблемы в воспитании личного состава, укреплении воинской дисциплины и правопорядка в Вооруженных Силах Республики Узбекистан.

УПРАВЛЕНИЕ ПО РАБОТЕ С ЛИЧНЫМ СОСТАВОМ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

СОТРУДНИЧЕСТВО — ЗАЛОГ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА

РЕЧЬ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА ВТОРОЙ ВСТРЕЧЕ НА ВЫСШЕМ УРОВНЕ ГЛАВ ГОСУДАРСТВ ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Уважаемый господин председатель!

Уважаемый господин генеральный секретарь!

Уважаемые гости!

Дамы и господа!

Позвольте прежде всего еще раз от всего сердца поздравить нашего друга, Его Превосходительство Президента Турецкой Республики господина Сулеймана Демиреля с избранием на высокий пост, пожелать ему здоровья, долгой жизни, выразить ему свое восхищение процветанием турецкого народа, а также признательность за его весомый вклад в дело укрепления дружбы между нашими народами.

Мы также поздравляем госпожу Тансу Чиллар с ее избранием на пост премьер-министра и надеемся на ее деятельную роль в развитии братских отношений между нашими народами, желаем ей здоровья и успехов в решении выпавших на ее долю важнейших задач.

Мне доставляет большое удовольствие приветствовать здесь руководителей государств — участников Организации экономического Сотрудничества. Я уверен, что наша встреча будет плодотворной, ибо благородна ее цель — сотрудничество на пути развития и процветания наших стран.

Мы высоко оцениваем работу по подготовке второй встречи на высшем уровне глав государств Организации Экономического Сотрудничества и благодарим Его Превосходительство Президента Турецкой Республики и правительство Турции за оказанное гостеприимство.

Дамы и господа!

Дорогие друзья!

Мир вступил в новую эру. Ее отличительной чертой является укрепление и развитие взаимосвязи и сотрудничества между государствами и народами. Отныне всеобъемлющая интеграция является общим мировым процессом, который позволяет консолидировать все силы и движения во имя светлого будущего каждого народа и общечеловеческой цивилизации, лучше раскрыть возможности каждого государства.

Именно потому Узбекистан и осознает в полной мере чрезвычайную важность задач, стоящих перед Организацией Экономического Сотрудничества, а также великие возможности этой международной организации.

Подготовленный проект Стамбульской декларации основных направлений развития Организации Экономического Сотрудничества до 2000 года и ее дальнейших перспектив, на наш взгляд, отвечает букве и духу Кветтинского плана.

Только объединив силы, возможности, ресурсы, интересы, материальные и духовные потенциалы 10 государств, расположенных на перманентной территории Организации, имеющих родственные историю, культуру, религию, менталитет, язык и, более того — общую судьбу, можно восстановить историческую справедливость — сравняться с высокоразвитыми странами, занять достойное место в мировом сообществе.

Эта стратегическая цель требует решений многих проблем по свободному и взаимовыгодному использованию наших объединенных потенциалов.

Обращая свои взоры в будущее, мы со всей ясностью должны отдавать себе отчет в том, что на этом пути могут возникнуть трудности политического, экономического и прочего характера. Эти трудности обусловливаются различными возможностями и особенностями каждого из государств — членов Организации.

Оценивая с этой точки зрения принципиальные направления перспектив Организации сотрудничества на начало XXI века, мы должны представлять, что для выполнения намечаемых планов требуется ряд общепризнанных условий и обстоятельств.

Первое, очень важное для нас условие — вопрос взаимного доверия. Естественно, что у 10 государств — членов Организации могут быть разные взгляды на политику, идеологию, что является естественным, но если мы, несмотря на эти различия, не встанем плечом друг к другу, если не будет между нами взаимодоверия и взаимоподдержки, если мы экономические интересы не поставим выше политики и идеологии, то нам не стоит собираться здесь, заседать, хлопотать.

Второе, общее для всех обстоятельство — это проблема транспорта и коммуникаций. Без установления между нашими странами коммуникаций не следует ждать результатов в других областях сотрудничества. Говоря о коммуникациях, я имею в виду не только связи посредством автомобильного, железнодорожного, воздушного транспорта, но и развитие взаимных связей в области культурной и духовной жизни. В этом очень большая роль принадлежит телевидению, радио и современной космической связи.

Скажем, если связям Узбекистана с Пакистаном будет препятствовать ситуация в Афганистане, то все наши благие слова, большие надежды, глубокомысленные обращения так и останутся на бумаге.

Без преодоления препятствий и конфликтов такого рода не будет поступательного движения вперед, не будет согласия и единомыслия.

Мы, представители Узбекистана, полностью поддерживаем отношение к коммуникациям, изложенное в в принимаемой сегодня декларации. Мы готовы честно и настойчиво сотрудничать для осуществления всех разумных проектов.

«Где работа, там и прок», говорят в народе. А раз так, то мы все должны дружно, сообща приняться за работу. Я призываю вас, уважаемые главы государств, именно к этому.

Третье важное обстоятельство заключается в том, что без налаживания работы финансовых, кредитно-банковских организаций не будет ожидаемого результата, даже если мы наладим между собой взаимные связи, подпишем разного рода важные и правильные документы. Если нам не помогут крупнейшие национальные, европейские международные банки, в частности, Азиатский банк, Исламский банк, то трудно будет вдохнуть жизнь в наши декларации, сколь благородны они ни были, реализовать наши проекты.

Четвертое. Коли мы хотим продвигать наше дело вперед высокими темпами, то для этого необходимо найти приемлемую для всех форму практических действий. По моему мнению, мы наряду с предусмотренным проектом Стамбульской декларации специальным фондом технико-экономического обоснования, должны сообща подумать об учреждении фонда сотрудничества. Пусть каждое из государств-членов внесет по этому вопросу свои предложения. Этот фонд, без сомнения, окажется для всех одинаково полезным.

Организация Экономического Сотрудничества — не благотворительное общество. Ее члены в своей деятельности прежде всего исходят из интересов своей страны, своего народа. С этой точки зрения Межгосударственный инвестиционный фонд будет служить делу поддержки и реализации до 2000 года крупных взаимовыгодных проектов.

Еще один важный вопрос. Одним из условий взаимного сотрудничества в области экономики является укрепление взаимных связей в культурно-духовной сфере. Чем информированнее будут народы каждой из стран Организации о процессах, происходящих в остальных государствах «десятки», чем больше будет взаимовыгодных встреч между нашими деятелями, тем чаще будут ездить друг к другу и наши деловые люди, тем взаимоотношения наших коммерсантов и бизнесменов будут шире, глубже и эффективнее.

(Окончание — на 2-й стр.).

ТОШКЕНТ УМУМҚЎШИН КОМАНДИРЛАРИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ — 75 ЁШДА

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ҲИМОЯСИГА ДОИМО ШАЙМИЗ

БЎЛҒУСИ КОМАНДИРЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ АНА ШУНДАЙ

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир»

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан).

Ўтган якшанба куни Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юрти байрамона манзара тус олди. Бу ерга тўпланган меҳмонлару хизматчилар, саф тортиб туришган бўлғуси курсантлару таълим олаётган бўлғуси зобитлар, аскарлару прапорщиклар, турли унвондаги зобитлар, умуман барча-барчанинг кайфиятлари жуда кўтаринки эди.

— Ўртоқ генерал-майор, Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденли Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юрти шахсий таркиби билим юртининг 75 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилаётган тантанага сафланди, — дея маълумот берди билим юрти бошлиғи, генерал-майор В. Н. Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи В. Ф. Пилюгинга ҳарбий оркестр садолари остида шаҳдам юриб пешвоз чиқаркан.

Бош штаб бошлиғи билим юрти шахсий таркиби билан ҳарбийчасига саломлашгач, генерал-майор В. Маҳмудов ҳамроҳлигида минбарга йўл олди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи — полковник А. Ғ. Рашидов, мазкур билим юрти бошлиғининг ўринбосари подполковник А. А. Богма, Чирчиқ танкчи муҳандис-командирлар олий ҳарбий билим юрти бошлиғи — генерал-майор Ю. Н. АҒзамов ва бошқа таклиф этилган расмий кишилар ҳамда меҳмонлар ҳам минбарда ҳозир бўлишди.

— Билим юртимиз 1918 йилнинг 12 июлида Туркистон Автоном Республикаси ҳарбий комиссарининг буйруғи билан ташкил этилиб, «Совет командирлари курси» деб аталган, — деди ўз нутқида В. Н. Маҳмудов. — 1918 йилнинг 7 ноябрида офицерларнинг биринчи гуруҳи билим юртини муддатидан олдин битириб чиққан.

1919 йилнинг 18 январидан у «Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби» деб аталган. Унинг курсант ҳамда ўқитувчилари ўқиш билан бир вақтда ички ва ташқи мухолифларга қарши курош олиб бориб, 1919 — 1931 йиллар мобайнида 14 жанг операциясида иштирок этганлар. 1931 йили билим юрти Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

1943 йилнинг август ойида унга Қизил Юлдуз ордени берилди ва «Тошкент пиёда аскарлар билим юрти» деб атала бошланди. Унда таълим олган 48 киши Улуғ Ватан уруши йилларида мардонавор жанг қилганлиги учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлганлар. Мазкур билим юртини битириб чиққан юздан зиёд зобит генерал унвонини олишган. Армия генераллари — Н. Ляшенко ва А. Лучинский, генерал-полковниклар — М. Гареев, А. Басков ва М. Парсегов, генерал-лейтенантлар — С. Оҳунжонов, М. Узоқов, А. Ҳожибоев, генерал-майорлар — А. Ортиқбоев ва В. Пилюгинлар шулар жумласидандир.

Билим юртининг бугунги битирувчилари ҳам ўз ўқув даргоҳлари анъаналарига содиқ, чуқур билимли зобитлар бўлиб етишишмоқда. Шу йил лейтенант унвонини олишган 15 битирувчи имтиёзли диплом олишга мушаррраф бўлишди. Бу — Мустақил Республикамиз Қуролли

(Давоми 2-бетда).



СОТРУДНИЧЕСТВО — ЗАЛОГ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Позволю себе подчеркнуть еще раз: чем лучше будут наши народы понимать явления культурной и духовно-религиозной жизни в каждой из стран Организации, тем благотворнее будут условия для развития экономических связей между нами.

Уважаемые дамы и господа!

Сегодня мы все живем большими надеждами, прекрасно понимаем, что наши народы, имеющие такую великую историю и культуру, достойны самой блестящей судьбы. Как вода и воздух для всего сущего на земле, для претворения в жизнь наших добрых планов и надежд, кроме фактора времени, необходимы мир и спокойствие.

Если в регионе не будет стабильного мира, все наши гигантские проекты и благие цели могут остаться неосуществленными. Сегодня наша общая боль — положение в Афганистане, продолжающееся в этой стране противостояние.

Мы не имеем ни цели, ни желания вмешиваться во внутренние дела других государств. Мы только хотим одного — мира братскому народу Афганистана, скорейшего разрешения им своих внутренних противоречий и возвращения к мирному созидательному труду.

Думается, что во имя примирения противоборствующих сил в соседнем Афганистане и скорейшего возврата афганского народа к мирной жизни каждый из нас должен сделать все возможное, приложить максимум усилий и стараний.

Мы предлагаем представителям противоборствующих сил в соседнем государстве, присутствующих здесь стран «десятки», а также заинтересованных международных организаций, в частности, ООН собраться для переговоров в Ташкенте.

Уважаемые дамы и господа!

Разрешите выразить надежду, что участвующие в нашей работе представители братских стран придут к общему мнению и выведут свои народы на большую дорогу плодотворного сотрудничества.

В дружбе — сила, говорит народная мудрость. Верю, что наша Организация превратится в оплот стабильного мира и настоящей дружбы. На пути достижения этой высокой цели я всем вам желаю здоровья, сил, энергии и удачи.

ЗОБИТ Қ. БЕРДИЕВ КОМАНДИРЛИК ҚИЛАЁТГАН ҚИСМ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАХСУС ҚУШИНЛАРИ АСКАРЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли ўртоқлар! Қуролдош дўстлар!

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари жамиятимиз тинчлиги ва турғунлигининг ҳамда ҳудудий-яхлитлиги ва мустақиллигининг гаровидир. Ватанимизнинг Қуролли ҳимоячиларига Ўзбекистон халқи ва ҳукумати томонидан доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Биз ҳарбийлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Шунинг учун бизлар хизматга бор кучимизни беришимиз, жанговар тайёргарликни, интизомни ва уюшқоқликни юқори даражаларга кўтаришимиз зарур.

Бизнинг қисмимиз Ўзбекистон Қуролли Кучлари таркибида катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг зиммасига махсус мураккаб вазифалар юклатилган. Қисмимиз ўзининг бой ҳарбий тажрибаси ва анъаналарига эгадир. Бизнинг қисмимиз аскарлари шундай жамоада хизмат қилаётганлари билан фахрланадилар. Бу анъаналарни ва шон-шуҳратни сақламоқ, ҳарбий машқ ва ўқишларда юксак кўрсаткичларга эришиб уларни яна-да мустаҳкамламоқ зарур.

Бизларнинг сафларимизда Ватанимиз ва Қуролли Кучларимиз тақдирига лоқайд қарайдиган, ўзгалар ҳисобига кун кўриб, ҳарбий бурчдан бош тортадиганлар бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Бугун бизларнинг ҳар биримиздан жанговар машқ ва ўқишда, интизом ва ҳарбий тайёргарликни мустаҳкамлашда шахсий намуна кўрсатиб қисм жанговар тайёргарлигини оширишга ҳисса қўшиш талаб этилади. Ҳарбий маҳоратни ошириб янгидан-янги ютуқларга эришиш учун ҳар биримиз ишбилармонлик, ҳаракатчанлик намуналарини кўрсатмоғимиз лозим.

Биз Сизларга мурожаат қилиб Сизларни ёзги ўқув мавсуми машғулотларини аъло даражада ўтказишга ҳарбий жамоаларда учраб турадиган салбий иллатларни бутунлай йўқ қилиб, аскарлар орасидаги дўстликни яна-да мустаҳкамлашга, бўлинмаларимиз фаолиятининг барча соҳаларида юксак кўрсаткичларга эришиб, Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг икки йиллик тўйини муносиб кутиб олишга даъват этамиз.

Биз Сизларга ўқув йилининг муваффақиятли якунлайлик, яхши ва аъло даражадаги бўлинмалар унвонига сазовор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мавқеини кўтарайлик ва шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллигини шараф билан кутиб олайлик, дея мурожаат қиламиз.

Мурожаатнома қисм шахсий таркибининг 1993 йил 1 июлда бўлиб ўтган йиғилишида бир овоздан қабул қилинди.

ОБРАЩЕНИЕ

ЛИЧНОГО СОСТАВА ВОЙСКОВОЙ ЧАСТИ, КОТОРОЙ КОМАНДУЕТ ОФИЦЕР К. БЕРДИЕВ, К ЛИЧНОМУ СОСТАВУ СПЕЦИАЛЬНЫХ ВОЙСК ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Дорогие товарищи! Боевые друзья!

Вооруженные Силы Республики Узбекистан являются гарантом мира и стабильности в обществе, территориальной целостности и независимости нашей республики. Вооруженные защитники Отечества являются объектом постоянного внимания и заботы со стороны народа и правительства Республики Узбекистан. Нам дается все необходимое и от нас обоснованно ждут более полной отдачи в службе, высокого уровня боевой готовности, организованности и дисциплины.

Наши подразделения играют особую роль в системе Вооруженных Сил, на них возложены сложнейшие специальные задачи. Они имеют богатые боевые традиции, и воины всегда по праву гордились своей принадлежностью к таким подразделениям. Эти традиции, эту гордость надо сохранять и приумножать самоотверженным трудом, высокими результатами в боевой учебе!

Мы не должны допустить, чтобы в наших рядах были равнодушные к судьбе Родины и ее Вооруженных Сил, ищущие себе послабления за счет других, уклоняющиеся от выполнения своего воинского долга.

Сегодня от каждого из нас требуется личная примерность в боевой учебе и воинской дисциплине, конкретный вклад в укрепление боеготовности подразделений. Нужны деловой настрой каждого, целеустремленность и настойчивость в достижении новых рубежей воинского мастерства.

Мы обращаемся к вам с призывом ознаменовать летний период обучения высоким накалом боевой учебы, искоренением негативных явлений в воинских коллективах, упрочением солдатского братства.

Мы призываем всех отметить вторую годовщину независимости Узбекистана высокими показателями во всех сферах деятельности наших подразделений.

Мы обращаемся к вам с призывом к концу учебного года достичь результатов, достойных воинов нашего предназначения, добиться звания хороших и отличных подразделений, повысить их авторитет в Вооруженных Силах Республики Узбекистан и тем самым с честью ознаменовать вторую годовщину независимости Республики Узбекистан.

Обращение единогласно принято на собрании личного состава войсковой части 1 июля 1993 года.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ҲИМОЯСИГА ДОИМО ШАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кучларига муносиб командирлар тайёрлаб берилаётганлигидан далолатдир. Курсантларга таълим-тарбия беришда А. Абдуллаев, Ю. Каляга, Х. Азимов, В. Струценко, О. Волович сингари кўплаб тажрибали командирва ўқитувчиларимиз жонбозлик намуналарини кўрсатиб келмоқдалар...

Сўнгра Бош штаб бошлиғи (шу билим юртини 1970 йилда тугатган) В. Ф. Пилюгин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг Табригини ўқиб эшиттирди ва билим юртига вазирлик номидан рангли телевизор совға қилди. Билим юртини 1941 йили тамомлаб, жангга кирган И. Жалилов (суратда) курсантларни билим юрти анъаналарини мустаҳкамлашга даъват этди, чораккам бир асрлик юбилейлари билан табриклади.

Учинчи курс курсанти Л. Бузруков билим юртини аъло баҳолар билан тугатиб, муносиб зобит бўлишга курсдошлари номидан сўз берди. Генерал-майор Ю. Н. Агзамов Чирчиқ танкчи муҳандис-командирлар олий ҳарбий билим юрти жамоасининг Табрикномасини ўқиб етказди. Бу даргоҳга Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридан келган бўлғуси курсант Р. Ўринов абитуриентлар номидан сўз олиб, ҳарбий билимларни қунт билан ўзлаштиришга, тартиб-интизомда намуна кўрсатишга ваъда берди.

Билим юртининг 75 йиллик юбилейи муносабати билан жуда самарали меҳнат қилаётган қатор зобит, прапорщик, сержант, курсант ва хизматчиларга Ташаккурнома билдирилди. Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари топширилди. Тўрт нафар аскарга 10 кунлик таътил берилди.

Билим юрти шахсий таркиби оркестр садолари остида минбар олдидан саф тортиб ўтгач, футбол, волейбол, сувда сузиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар бошланиб кетди. Фурсатдан фойдаланиб, бир гуруҳ бўлғуси курсантларни суҳбатга тортдим. Улар — музрабодлик (Сурхондарё вилояти) Нурмуҳаммад Холматов, мўйноқлик (Қорақалпоғистон Республикаси) Мухтор Орзибеков, каттақўрғонлик (Самарқанд вилояти) Пардабой Сиддиқов, қаршилик (Қашқадарё вилояти) Жамол Алиев, янгиариқлик (Хоразм вилояти) Музаффар Машарипов, бекободлик (Тошкент вилояти) ака-ука — Улуғбек ва Ойбек Қорабоевлар эди.

Уларнинг кайфиятлари аъло. Иккита синовдан муваффақиятли ўтишибди. Қолган имтиҳонларни ҳам албатта топширишларига тўла ишонишмоқда. Нега айнан Тошкент олий ҳарбий билим юртини танлашганини бу ерда маълум бир соҳа бўйича эмас-у, балки умумқўшинлар бўйича сабоқ берилишини, бу эса уларга кўпроқ манзур эканлиги билан изоҳлашди. Ўзларининг илк ижобий таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Биз ҳам ўз навбатида уларга ҳарбий билимларни мукаммал ўрганиб, Мустақил Ўзбекистонимизнинг посбонлари бўлиб етишишларида муваффақиятлар тиладик.

Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА ЁЗГИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

ЖАНУБИЙ ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

«Аскарлик кийимининг қадр-қимматини ҳамиша эъзозлашга аҳд қилган азиз сафдошларим. Бизлар ўз Конституциявий бурчимизга содиқ қолиб, Ватан ва халқимиз учун Қасамёд қабул қилдик. Она-юртимизни ҳимоя қилиш, унинг тинч-тотувлигини таъминлашдек юксак масъулиятли вазифани ўз зиммамизга олдик. Аскарлик хизматимиз даврида бу қутлуғ бурчни амалга ошириш учун олдимизда бир қатор зарур вазифалар турибди. Хўш, улар нималардан иборат?

Энг аввало — Ватан ҳимояси, деган биргина иборанинг туб моҳиятини тўла англашимиз даркор. Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонимизнинг ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилиб келган ўз мустақиллигига эришганига икки йил тўлаяпти. Кундан-кун қад ростлаётган Республикамизнинг дўстлари тобора ортиб бормоқда. Ҳур ўлкамиз равнақига ҳайрихоҳ бўлаётган, уни келажакда истиқлол чўққиларида кўришни ният қилганлар сафи кенгайиб бораяпти.

Бироқ шундай ғаламислар ҳам борки, улар Ўзбекистонимизнинг бойликларига кўз олайтирадилар, ягона дастурхон атрофида аҳиллик билан, ширингина ҳаёт кечираётган, Ўзбекистон давлатининг гуллаб-яшнаши учун виждонан меҳнат қилаётган юздан ортиқ миллатли байналмилал халқимиз орасига ифоқ уруғини сочишга ҳаракат қиладилар. Биз она-юртимизни ана шундай мунофиқлардан ҳимоя қилишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилганидек, Қуролли Кучларимиз қудрати она-юртимизни ҳимоя қила олиш даражасида ташкил этилади. Демак ҳар биримизнинг жанговар тайёргарлигимиз мукаммал бўлмоғи керак.

Ушбу масъулиятли вазифани бажаришимизда ижтимоий-сиёсий ўқув машғулотларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Қуролли Кучларимизнинг жанговарлик тайёргарлиги бизга юклатилган топшириқ ва вазифаларни қай даражада уддалашимизга боғлиқ. Бунинг учун эса тартиб-интизом энг биринчи мезон бўлиб хизмат қилади. Аскарларнинг жанговар тайёргарлиги ана шундан бошланади, аслида. Командирлар буйруқларини ўз вақтида, аниқ бажаришимиз, юриштуришимиз, дўстона муносабатимиз, ҳамдардлигимиз каби хатти-ҳаракатларимиз билан бир-биримизнинг ҳурматимизга сазовор бўламиз, сафларимизни янада жипслаштирамиз.

Ҳарбий қисмдан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш, командирлар буйруқларини бажармаслик, зўр олдида бош эгиб, кичикка мушт ўқталиш, аввало жиноят бўлиб, қолаверса, бир умрлик лаънат тамғаси эканлигини Сизларга айтиб ўтишни ҳам жоиз топдим. Чунки, азиз сафдошларим, барчамиз Ўзбекистонимиз шаънини ҳамиша баланд кўтариб ҳарбий техника сирларини пухта эгаллаб, туз ва нон берган Ватанимизга содиқ посбон бўлишимизга ишончим комил...»

Биз Термиз гарнизонида хизмат қилаётган аскарлар ҳаёти ҳақидаги лавҳамизни Тошкент Давлат Техника университетининг сиртқи бўлим иккинчи курс толиби, Фарғона вилояти Боғдод районидан шу йил май ойида ҳарбий хизматга чақирилган Иқболжон Исмоиловнинг сафдошларига айтган дил сўзларидан бошлашимиз бежиз эмас, албатта. Зеро, Термиз гарнизони аскарлари ёзги мавсум ўқув машғулотларини зўр ташкилотчилик ва кўтаринки кайфият билан бошладилар. Бунинг омилларини кенгроқ ёритиш мақсадида қуйида аскарлар ҳаётидан айрим лавҳаларни келтириб ўтишни лозим деб топдик.

ҚУЁШ ТАФТИДАН-ДА ЮҚОРИРОҚДИР...

Термиз... Ҳарорат юқори... Бироқ ҳарбий қисм аскарларининг ҳаёти қизғин. Улар ўз жанговар тайёргарликларини ошириш, ҳарбий техника сирларини пухта эгаллаб олиш иштиёқидалар. Чунки уларнинг Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳароратлари қуёш тафтидан-да юқорироқдир.

Биз қисм аскарлари билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг аскарлик ҳаётлари билан яқиндан танишиб бунга тўла иқрор бўлдик. Бурчга садоқат туйғуси уларнинг юраклари қатларидан чуқур жой олганлигини ҳис қилдик.

Чунончи, бу Ўзбекистонимизнинг турли вилоятларидан ҳарбий хизматга чақирилиб, ўз бурчларини садоқат ва аҳиллик билан ўтаётган аскарлар ёзги мавсум ўқув машғулотларининг бошланишига бағишланган катта йиғилишда завқ-шавқ билан қатнашиб, ажойиб ҳарбий қўшиқларни куйлаб саф тортиб ўтишганларида янада ёрқиноқ намоён бўлди. Жумладан, Тошкент вилояти Чиноз районидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Шарифжон Рустамов ўз таассуротларини шундай изоҳлади:

— Ҳарбий хизматга чақирилгунимга қадар, ҳайдовчилик курсини тамомладим. Ҳайдовчилик курсини тамомлаганим, бу ерда жуда қўл келаяпти. Ҳозир механик ҳайдовчи касби бўйича ўқув машғулотларида мунтазам қатнашиб келаяпман. Айтмоқчиманки, ҳарбий хизматда наинки ўз севган касбим бўйича шуғулланаяпман, балки касб маҳоратимни оширишимга, ҳарбий техникани бошқариш сирларини ҳам ўрганиб олишимга катта имконият туғилди.

Яна шуни айтмоқчиманки, Қасамёд қабул қилганимдан сўнг ўзимни ҳақиқий аскар, деб ҳис қилган бўлсам, ушбу кунги йиғилишдан кейин эса ўзимда яна-да кўпроқ масъулият ҳис этдим. Бугунги учрашув менда катта таассурот қолдирди. Чунки минбардан биз ёш аскарлар — курсантларга соф ўзбек тилида истаклар билдирилганда беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Энг муҳими, ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар ҳарбий ҳаёт ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, бугунги аскарга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганлигининг гувоҳи бўлдим. Юқорида айтганларим эса — бунинг яна бир далилидир.

«ҚИСМИМИЗГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ...»

Самарқанд вилояти Иштихон районидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Абрийжон Ҳайдаров онаси — Ўролой ҳолага «Қисмимизга бир келиб кетинг» сарлавҳали мактуб битибди. Подполковник А. Аъзамов командирлик қилаётган қисмдаги аскарлар учун яратилган шарт-шароитларнинг бевосита гувоҳи бўлсам-да, Абрийжон мактубининг сарлавҳасини ўқиб (менга ҳатни Абрийжоннинг ўзи келтириб берди) нақотки шундай ажойиб шарт-шароитлар яратилган қисмдан ҳам баъзи аскарлар норози бўлишаяпти, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Бироқ, мактубнинг кейинги сатрини ўқибоқ шубҳам бутунлай тарқалиб кетди. Мактубни тўла ўқиб бўлгач, Абрийжоннинг нечун хат бошига бундай деб ёзганлиги аён бўлди. Менку унинг ёзганларига юз фоиз ишонаман, чунки унинг айтганларининг гувоҳи бўлдим. Бироқ Ўролой хола ишонармиканлар. Ёки, ҳа ўғил тушмагур-ей, ойим кўп ҳам ўйланавермасин, деб атайлаб ёзган, дермиканлар. Агар шундай бўлса, биз ҳам кимки Абрийжоннинг сўзларига ишонмаса, у хизмат қилаётган қисмга бир келиб кетинг, деймиз.

Келинг, яхшиси, Абрийжоннинг мактуби билан сиз ҳам танишинг: «Ассалому алайкум ойижон. Соғ-саломатмисиз? Аскарлик хизматимга ҳам 1 ой бўлди. Аввалига уйни қаттиқ соғиндим. Кечалари, ойижон, Сизни соғиниб уйқум келмади. Уйга кетгим келаверди.

Бироқ бу деярли барча ёш аскарларга хос ўткинчи туйғу экан. Хизматимнинг биринчи кунлари ҳеч нимага тушунмас эканман. Кимдир якка тартибда шаҳдам қадам босишни ўрганаяпти, бир неча аскар турникда тортилаяпти, кимдир жанговар қурол кўтариб постда турибди. Зобитлар ҳамиша шошилиб, у ёқдан-бу ёққа ўтар, тўсатдан бизларни саф тортириб, маълум тарафга бошлар, қаёққа кетаётганимизни етиб борганда англар эдим, холос.

Назаримда, армияда, ҳеч ким сенинг олдингга келиб шахсий ўй-хаёлларингни сўраб-суриштирмас, кайфиятинг билан қизиқмас, атрофингда нималар бўлаётганини тушунтирмас эди. Аслида бу ёлғон хиссиёт экан.

Мен кундан-кун аскарлик ҳаётига кўпроқ тушуна бордим. Дўстларим кўпая борди. Кейин билсам ҳамфикр, ҳамдардларим кўп экан. Зобит ва сержантлар ёрдамида ҳарбий хизмат тартибларини яхши ўзлаштириб олдим.

Ойижон, Қасамёд қабул қилган куним, ўзимни ҳақиқий бахтиёр ҳис қилдим. Атрофимга теранроқ кўз билан қарай бошладим. Ўз зиммамдаги масъулиятни тўла ҳис қилдим.

...Мана, хизматимга ҳам бир ой бўлди. Аввалги ҳатимда, ойижон сизни соғиндим, дейишдан ўзга нарса ёзмаган бўлсам, энди ҳаётим ҳақида тўлароқ ёзиб юборишни мақсад қилдим.

Ҳар кунимиз эрталабки бадан-тарбиядан бошланади Турли машқларни бажариб, ювингандан сўнг ўзимизни енгил қушдай ҳис қиламиз. Ойижон, Сизни ўйлантираётган масала — нонушта, тушлик, кечки овқатларимиз жуда ҳам яхши. Ҳар куни сариёғ, юмшоқ нон, бодрингдан тортиб памидоригача муҳайё этилган. Ойижон, яқинда қисмимизда чойхона ташкил этилади. Худди уйдаги каби ош, шўрва ва бошқа миллий таомлар тайёрланади. Қисқаси, қорин масаласида кўнглингиз тўқ, бўлсин!

Командирларимиз — катта лейтенант Андрей Минаев, взвод командиримиз катта лейтенант Нурали Бегимқулов, рота командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лейтенант Бозор Сариев ва бошқа зобитлар, кўплаб сафдошларим — барчамиз аҳил ва иноқмиз. Биргаликда ўз жанговар тайёргарлигимизни ошириб бораяпмиз. Яқинда, қуролдан нишонга отиш бўйича ўқув машғулотларида бўлиб қайтдик. Бу борада илк ютуқларга эришишга ҳам улгурдим.

Ўқув хонамиз ажойиб жиҳозланган. Бир тарафда ҳарбий Қасамёд матни, Ўзбекистон тарихи акс этган бўлса, иккинчи тарафдан қисмимизнинг жанговар йўли намоён бўлган кўргазмали қуроллар жой олган.

Айниқса, ота-оналар, ёру дўстлар билан учрашув хонамизга кирган одамнинг кайфияти кўтарилмай иложи йўқ. Бу ерда телевизор, радио, кондиционер, самовар, катта кўзгу, диван, столстуллар ва бошқа зарур анжомлар муҳайё этилган. Қисмимизда аскарлар маданий дам олишига катта эътибор қаратилган. Шанбаякшанба кунлари кинофильмлар намойиш этилади. Қисқаси, биз — аскарларнинг ўз жанговар тайёргарлигимизни ошириш учун қисмимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Ойижон, қисмимизга бир келиб кетинг. Ҳаётимиз билан танишинг. Аминманки сўнгра хатингизда бирорта ҳам ташвишли сатрларни ёзмайсиз. Ушбу сатрлар кўнглингизга хотиржамлик бахш этади, деб ўйлайман ойижон!»

МАРДЛАР ҚУРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Сержант ва аскарлар О. Жамолов, Ш. Эргашев, Б. Эганов, Н. Худойберганов, А. Бобожонов, А. Отажонов, О. Охунов, Д. Йўлдошев, Х. Эргашев, О. Эгамбердиев, Р. Қозоқов, А. Рахимов, О. Салимов, А. Иброҳимов, М. Муҳаммадиев, Д. Ким, М. Каримов, М. Дадабаев, К. Тожибоев, К. Қурбонов, О. Шокиров ва бошқа кўплаб уларнинг сафдошлари билан бўлиб ўтган суҳбатларда ҳам шу нарса маълум бўлдики, аскарларга бўлган бугунги ҳурмат-эътибор тубдан ўзгарганлиги туфайли, улар ўз бурчларига юксак масъулият билан ёндашмоқдалар. Зобитлар ҳар бир аскарнинг дил сўзларини тинглаяптилар.

Ҳар бир аскар хоҳиш-истагини, унинг кайфиятини, ички кечинмаларини билишга интилмоқдалар. Энг муҳими, аскар ишончини қозониш учун ҳаракат қилаяптилар. Бу эса ўз навбатида аскарларнинг кайфиятларини кўтармоқда, ўзаро бир-бирларини тушуниш, умуммақсад йўлида якдиллик билан қадам босишда энг асосий омил бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ёзги мавсум ўқув машғулотларининг уюшқоқлик, юксак интизом ва ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама пухта бошланганлиги Мустақил Ўзбекистонимизнинг қад ростлаётган Қуролли Кучлари сафлари тобора жипслашаётганлигидан, зобит ва аскарларнинг жанговар ўқув маҳоратлари кун сайин ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Барча аскарларни ягона туйғу — Ўзбекистонимизни кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш учун жанговар тайёргарликни тинмай ошира бориш истаги бирлаштириб турибди. Бугун қайси зобит, қайси аскар билан суҳбатда бўлманг Ватанга бўлган ўз меҳр-муҳаббатини изҳор қилади. Уларнинг бу йўлда тинмай тер тўкаётганлиги эса яққол кўриниб турибди.

Бугун ота-оналарнинг ҳам ўз фарзандлари аскарлик хизматидан кўнгиллари тўқ. Чунки улар ўз фарзандларини ўт-олов ичига эмас, ўт-оловга йўл қўймаслик учун шарафли ҳимояга кузатганлар. Мард ўғлонлар эса бугун Ватаннинг содиқ ҳимоясидалар. Зобит ва аскарларнинг она-юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатлари кучли дейишга тўла асосимиз бор.

Ҳа, Ватан — ишончли қўлларда. Она халқимизнинг мард, фидойи фарзандлари ҳимоясида Ватан мустаҳкам туражак. Эл-юрт олдидаги ўз фарзандлик бурчини аъло даражада ўташ эса бугун ҳамма нарсадан устун турадиган қатта эътиқод, нурли туйғудир. Келажаги буюк Ўзбекистон ана шундай — имон-эътиқодли жасур фарзандлари билан қудратли бўлғусидир!

Лейтенант Ш. ИКРОМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧГА СОДИҚ БЎЛ, ЙИГИТ!

Ўзбекистон истиқлолининг икки йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриладиган шу кунларда ўлкамизнинг минглаб ёшлари армия сафида Ватан ва халқ олдидаги бурчини шараф билан адо этмоқда, муқобил хизматни намунали ўтказмоқда. Уларнинг кўпчилиги интизоми, меҳнатсеварлиги, ҳарбий маҳоратни эгаллашга дилдан интилиши туфайли командирлар ва тенгқурлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Бундай йигитлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Афсуски, армия сафига чақирилган ёшларнинг ҳаммаси ҳам шундай, деб бўлмайди. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, хизмат қилиб турган қисмни ўзбошимчалик билан тарк этиш ҳоллари учраб турибди.

— Бундай кўнгилсиз ҳолларга чек қўйилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий суди раисининг ўринбосари, адлия подполковниги Ю. Ракушинец. — Қонунни бузганларга тегишли жазо бериляпти. Келинг, яхшиси мисолларга мурожаат қилайлик. Оддий аскар Улуғбек Лесбоев 1991 йилнинг декабрь ойида Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидан ҳарбий хизматга чақирилган эди. У ҳарбий қисмни бир ойдан кўпроқ вақт давомида ўзбошимчалик билан ташлаб кетган. Лесбоевга ҳарбий суд ҳукмига мувофиқ, 3 йил муддатга интизомий батальонда хизмат ўташ жазоси тайинланди.

1992 йил 27 апрелда ҳарбий хизматчи Ихтиёржон Пўлатов қисқа муддатли таътилдан кейин хизмат бурчини ўтаётган қисмга қайтиб келмади. Маълум бўлишича, у ҳарбий хизматдан вақтинча дам олиш ва оиласига моддий ёрдам бериш мақсадида жамоа хўжалигида ишлаган. Қонун барчага баробар. Унга ҳам тегишли жазо берилди.

Оддий аскар Шуҳрат Туробов ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Бу йигит 1992 йилнинг 23 март куни ўз қисмини ташлаб, йўлга чиқади. У ота-онаси истиқомат қилаётган Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманига келиб, давлат хўжалигида ишлай бошлайди. Сўнгра фуқаро Пардаева билан турмуш қуради.

У ҳам уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шуҳрат Туробовлар оиласида яна тўққиз фарзанд бор, оналари 3-гуруҳ ногиронидир. Суд ана шу ҳолатни инобатга олиб, Шуҳратга енгил жазо берди. Зеро, тартибни бузган ҳар бир шахс, у ким бўлишидан қатъий назар, қонун олдида жавоб бериши керак. Қонунқонун-да. У устивор бўлиши даркор! Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов биз қураётган адолатли демократик давлатнинг аркони деб белгилаб берган беш асосий тамойилдан учинчисини эслаш жуда фойдали деб ўйлаймиз: Қонунга итоат қилиш, бу — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарур шартидир. Қонунларга барча тенг риоя этишини таъминлаш, қонун ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида қарор топтирилишига интилишимиз лозим.

Биз бир нарсага ҳайронмиз. Бу ҳам бўлса жойлардаги айрим мутассадди ўртоқларнинг қонунни бузган шахсларга бўлган эътиборсизлиги ва лоқайдлигидир. Ҳарбий қисмни ташлаб келган Шуҳрат Туробов давлат хўжалигига ишга олинса, уйланса... Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир, истиқомат жойида у ҳарбий хизматда, деб ҳисобланганку? Наҳотки, улар бундан бехабар бўлса?! Хўжалик ва ташкилот раҳбарлари, қолаверса, туман ҳокимлиги қаерда эди?

Армияга вақтида бормаган ва хизмат қилиб турган ҳарбий қисмни ташлаб кетган баъзи йигитларга нисбатан қонун йўли билан жазо қўлланаётгани ота-оналари, қариндош-уруғларини ташвишга солмоқда. Улар ўзбошимчалик қилган бу ёшларнинг ҳарбий хизматни давом эттиришига рухсат беришни сўраб юқорига ташкилотларга мурожаат қилмоқдалар.

Тўғри, ҳар бир ота-она ўз фарзандини дейди. Унга заррача ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Бу табиий. Шундай бўлса-да, ҳаққоний бир савол туғилади. Нега юқори ташкилотларга мурожаат қилаётган кишилар фарзандлари армиядан бўйин товлаган, ҳарбий хизматдан қочиб келган вақтида бепарво юрадилар-у, уларнинг ўғилларига нисбатан бирон чора кўрилган пайтда шикоят қила бошлайдилар?

...Мен ҳарбий хизматдан бош тортган, ўз қисмини ташлаб кетган ва бунинг оқибатида турли муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўтаётган йигитлар билан учрашдим. Ёшлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг шундай хатога йўл қўйганидан пушаймон бўлиб, қаттиқ изтироб чекаётганининг гувоҳи бўлдим.

— Мен Самарқанд вилоятининг Булунғур туманиданман, — дейди Хайрулла Холиқулов. — Ҳарбий хизматга ўтган йилнинг майида чақирилган эдим. Чирчиқда саккиз ойча киномеханик бўлиб хизмат қилдим. Кейин енгилтаклик билан, оқибатини ўйламай, қисмни ташлаб кетдим.

— Нима учун бундай қилдинг?

— Ўртоғим уйланаётган эди. Унинг тўйида бўлишни истардим. Тўйдан кейин Тошкентга келдим. Бу ерда бир ой юрдим. Ана шу қилмишим учун жазо олдим.

— Хайрулла, қилмишингдан афсусланаяпсанми?

— Албатта.

Агар армия сафида яна хизмат қилишга тўғри келса, шундай йўл тутармидинг?

— Йўқ, бундай қилмасдим. Мен кўп нарсани тушуниб етдим.

Валерий Климук асли Ғазалкент шаҳридан. У 1991 йилнинг ноябрида армияга чақирилган, ҳарбий хизматни Чирчиқда ўтаётган эди. Валерий уч ярим ой қисмда бўлмаган. Натижада у 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

— Менинг ҳам виждоним қийналяпти, — деб суҳбатга қўшилди Султон Раҳимов. — Хизмат бурчимни бинойидек ўтаб юрган эдим. Мана, энди афсусланяпман. «Кейинги пушаймон — ўзингга душман», деб шуни айтсалар керак.

Мамлакатимизнинг асосий Қонуни — Конституцияда «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунида, Конституцияга мувофиқ мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир, дейилган.

Тўғри, армия — истироҳат боғи эмас. У ерда хизмат қилишни осон, деб бўлмайди. Унинг ўзига яраша қонун-қоидалари, қийинчиликлари бор. Уни ёшларнинг чиниқиш мактаби, деб бежиз айтишмайди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди, лекин армиядан бўйин товлаш, ҳарбий қисмни ташлаб кетиш ҳоллари юз бераётгани ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Бу бора-

(Давоми 3-бетда).

НАВСТРЕЧУ 2-й ГОДОВЩИНЕ НЕЗАВИСИМОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ПОДВИГ ДОБРОТЫ

Странное время мы переживаем сейчас. Все и вся подвергается критике, переосмыслению. Низводится то, что раньше считалось незыблемым, и в первую очередь дружба между народами бывшей большой страны. Слушаешь ли радио, смотришь ли телевизор, читаешь ли газеты — в «горячих точках» межнациональная вражда, ненависть, кое-где льется кровь. И уж очень откровенно все это смакуется. А то, что было светлым — дружба, интернационализм, братская помощь, — считается из времен застойных.

ЕСЛИ «там» вспоминают Узбекскую республику, то, конечно, все ту же «узбекскую мафию» или Фергану июня 89-го года. И ни слова о том, что на поверку оказалось и «узбекское дело» далеко не таким уж узбекским, и ферганскими событиями «дирижировали» из других регионов бывшей большой страны и зарубежья. Да, эти черные страницы были, и узбекский народ тяжело их переживает. Но уже за то, что в годы Отечественной войны Узбекистан обогрел и приютил более 100 тысяч осиротевших ребятишек, а около 40 тысяч из них так и остались в узбекских семьях, за это одно — земной поклон узбекскому народу.

ЕСТЬ в Ташкенте необычный памятник — памятник доброте. Пятнадцать детей, обездоленных войной, нашли родительское тепло в доме ташкентского кузнеца Шамахмудова. Тринадцать детей спас инвалид-фронтовик из Каттакургана Хамид Саматов. А имена скольких добрых людей неизвестны! Это им навсегда воздвигнут памятник в узбекской столице. Я хочу рассказать об украинцах — мальчике и девочке, которых лихолетье занесло в далекий Гиждуван и где они вновь обрели отца и мать.

«Семья мала. Союз Советских Социалистических Республик велик. И каждая советская семья в сравнении с семьей наших народов подобна капле в море. Но как в капле воды отражаются земля, небо и солнце, в семье советского человека живут все качества великой семьи нашей Родины». Этим строкам — пятьдесят лет. Когда над страной нависла смертельная опасность, когда враг рвался к Волге, были они написаны. Под письмом бойцам-узбекам от узбекского народа стоят 2 миллиона 412 тысяч подписей.

Подписались под ним и Шарап Курбанов и его жена Руибиби. Вот в это время в их семье появилось еще двое детей — украинские мальчик и девочка. Малыши быстро оттаяли, ужас в глазах от бомбежек сменился веселыми искорками. Они признали Шарапа и Руибиби своими папой и мамой. У девочки были документы на имя Вали Попадченко, мальчик не помнил даже своего имени. Назвали его Шукуром, а фамилию получил, как ведется по старинной восточной традиции, от имени отца — Шарапов. Так породнились узбекские дети Тули и Эркин и украинские Валя и Шукур. С тех пор они все вместе в горестях и радостях — большая семья Шараповых.

Как их привезли в этот колхоз и почему их отцом стал Шарап Курбанов, этого Валя и Шукур не помнят. И только по рассказу матери, Руибиби-опы, знают: увидела она их самых маленьких, таких беспомощных, едва державшихся на ножках. Зашлось ее сердце, навернулись слезы на глаза. Схватила обоих в охапку и понесла домой. Малыши что-то лепетали на незнакомом языке, доверчиво прильнув к ней. Вот так просто, на жалости доброй женщины дети обрели мать, а женщина — добрых, любящих детей.

В тот день не только Валя и Шукур нашли свою семью. Камил Фазылов, Олия Ходжаева, Джура Икрамов, Иван Хамраев, Камил Юсупов — у них война отняла не только родной дом, отца, мать, но и имя. Имена им дали гиждуванские хлопкоробы, чьи дома стали их родными домами.

ДЕТИ и война. Разве могут эти два слова стоять рядом? «Нет!» — ответили узбекские женщины, когда 2 января 1942 года подписывали обращение, в котором есть такие слова: «Выполним наш братский долг... Развернем в Узбекистане всенародное движение по оказанию помощи эвакуированным и беспризорным детям. Пусть каждая семья рабочего, колхозника, служащего, интеллигента, пусть каждое предприятие, колхоз и совхоз примут деятельное участие в их устройстве и воспитании».

Кто-то может сказать: обыкновенные пропагандистские штучки, которых много было в те годы и которые воспринимались как приказы. Да уж нет! Валя и Шукур нашли свою семью в сентябре 41-го года. А Бахрихон Аширходжаева еще в 1928 году подобрала на улице первого подкидыша. К концу же войны она стала матерью 22-м приемным детям. И таких примеров сколько! По-моему, все дело в доброте этого народа.

А ЖИЗНЬ Вали и Шукура дальше складывалась так. Проводили на фронт отца. Потом с нетерпением ждали его всей семьей и дождались в победном сорок пятом. Правда, видели его редко: сутками не бывал дома председатель колхоза Шарап Курбанов. Допоздна задерживалась на ферме и Руибиби.

